

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИНИНГ ИФОДАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нормат ЙЎЛДОШЕВ

филология фанлари номзоди, доцент

Термиз давлат университети

normat63@mail.ru

Чўлпон шеъриятида инсон ва муҳит билан боғлиқ образлар ҳам алоҳида тизимни ташкил этади. Шоирнинг “Сомон парча”, “Бинафша”, “Яна кўклам” шеърларида инсон ва муҳит билан боғлиқ муаммолар талқин этилади.

Ҳар бир инсон ҳаётда муайян камолот йўлини босиб ўтади. Бу инсоннинг маълум даражада ўзлигини англаши, дунёқараши шаклланиши йўлидир. Тасаввуф адабиётида бу йўл – “ишқ йўли, сир йўли, хуррият йўли”дир (1, 109). Бу йўлда машаққат ва риёзат чекиб, унинг амалларини адо этган одамгина унинг нури манзилларини забт этиб, комиллик мартабасига эришади. Ҳам дунёвий, ҳам тасаввуф адабиётидан яхшигина хабардор бўлган Чўлпон ижодида ҳам йўл ва йўловчи образларининг турли талқинларига дуч келамиз.

Чўлпон адабиёт муҳитига жадид адабиёти орқали кириб келди. Унинг ҳавосидан нафас олди. Ўн етти ёшида ёзган “Адабиёт надир” мақоласи билан адабиётнинг жонкуяр тарғиботчисига айланди. Миллатни маърифат ва ҳақиқатга бошловчи йўлни адабиётда деб билди. Шу сабаб ижодининг илк давридан янги адабиёт яратиш орзуси билан яшади. Чўлпоннинг адабий-назарий, публицистик мақолаларини кузатганимизда “йўлсизлик”дан қийналаётган йўлчининг изтиробларини англаймиз: “Ўзимнинг йўлсизлигимдан бироз сўзлаб ўтайин. Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил! Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир! Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқиймен, қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнган чироқларим бўлса ҳам, менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло Сиддиқий ва Ҳакимзодаларни ўқимаймен, ўқимаймен. Мени шу ҳолга солган ўшалар!!!” (4, 38). “Эски адабиёт билан янги адабиёт ўртасида қолган шарқлик ёш чинакам чучмал бир вазиятда” эканлигини теран англаган Чўлпон мумтоз шоирлар ижодини камситмаган ҳолда, жаҳон адабиётига йўл излади. Шу сабабдан Тагорга мурожаат қилди. Умумий мақсадимиз муштарак бўлган Шарқ ва Ғарб адабиёти ўртасидаги “олтин кўприк” – улуғ хинд адабиёти ҳақида Чўлпон уч мақола эълон қилиб, унинг асарлари билан ўзбек китобхонларини баҳраманд этмоқчи эди. Чўлпон шу билан ёш авлодни жаҳон адабиётининг кенг имкониятларидан фойдаланишга даъват этди. Устоз Озод Шарафиддинов ўринли таъкидлаганидек, “...20-йилларда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам Чўлпоннинг бу хитоби ҳеч кимнинг қулоғига етиб боргани йўқ. Чунки совет

ҳоқимияти йилларида амалга оширилган адабий сиёсат – чинакам санъат намуналарини яратишдан кўра ёзувчиларни ҳукмрон мафкуранинг содик солдатларига айлантиришга қаратилган эди”(3, 75).

Чўлпоннинг насрий ва шеърий асарларида ҳам илм-маърифат излаб сафарга чиққан қаҳрамонларни учратамиз. “Дўхтур Муҳаммадёр” ҳикояси қаҳрамони илм-маърифат излаб хорижий юртларда бўлади. Бунинг оқибатида бахтли ҳаётга эришади. “Кеча” романи қаҳрамони – Мирёқуб ҳам Қрим сафарида жаҳид билан учрашади. Жаҳид унинг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, “Йўл эсдалиги”, “Вайроналар орасидан” сафарномаларида ҳам Чўлпон сайёҳ сифатида ўлканинг маҳзун манзараларини тасвирлайди.

Чўлпон шеъриятида йўл, йўловчи образлари алоҳида тизим даражасига кўтарилган. Қалбида эзгу ниятлар, буюк амаллар ила улуғ йўлга отланган лирик қаҳрамон шарқнинг эски чигалини ечиш учун кенг чўллардан, денгизлардан ўтади:

*Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,
Босгувчисин таниб бўлмаслик излар,
Шул изларни босиб, денгизлар кечиб
Буюк амал билан борамиз бизлар.*

*Юракдаги сақлаб юрган амаллар
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ.
Эзилганлар тилак тилар бу йўли
Бурунгидан тўлуғроқ.*

Маҳкам қилиб боғланган камарлар!

– Тезрак!

– Қанот!

Қушлар янглиз учайлик

Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик.

Шарқнинг эски чигалини ечайлик (5, 8-9).

Чўлпон назарида буюк амал – йўллардаги денгизлардан улуғроқ мақсад – Шарқнинг эски чигалини ечмак. Лирик қаҳрамон қалби “Эски чигал”ни ечиш умиди билан шу қадар тўлганки, у ҳатто қанот боғлаб учишга ҳам тайёр. Чунки Шарқнинг “эски чигали”ни очиш – йўлчининг асл муддаоси. Шеър матнидан ҳам англашиладики, лирик қаҳрамоннинг борар манзили битта – “эзилганлар тилак тилар йўли” – истиқлол йўлидир.

Чўлпон шеъриятида йўлчи маълум бир тадрижийлик асосида ривожланиб боради. Бу шоир яшаган мухит, макон ва замон тушунчалари билан боғлиқ жараёнدير. Маълумки, Чўлпон бутун умри давомида истиқлол орзуси билан яшади. Афсуски, Туркистон мухториятининг бостирилиши, миллий истиқлолчилик ҳаракатининг мағлубияти шоирнинг эзгу армонларини саробга айлантди. Шу жиҳатдан, шоирнинг 20-йилларда ёзган шеърларида тушкунлик, маҳзун кайфият руҳи устуворлик қилади. 1922 йили ёзилган “Юпанмоқ истаги” шеърида шундай руҳий изтиробларни кузатамиз:

*Чарчаган йўловчи йўлдан адашса,
Текис йўл қолса-да тоғларни ошса,
Йўлни кўрсатувчи юлдуз-да қочса,
Шунда юпатгайми яланғоч чўллар? (5, 18).*

Албатта, шоир ҳаёти текис кечмаган. Унинг бошига ёғилган маломат тошлари, эзгу амалларнинг саробга айланиши – йўлчи истак йўлларининг кесилиши, баъзан унга йўл кўрсатувчи юлдузнинг-да қочганлиги лирик қаҳрамоннинг ҳаётда юпанч излашига сабаб бўлади. “Билмадим кўнглимни юпатгай кимлар?”. Шеърнинг биринчи мисрасида берилган ушбу саволга жавоб – охирги мисрада келтирилади. “Чақмаса гугуртни асл ўғуллар” – кўнгил юпанмайди.

Чўлпоншунос олим Д. Қурононов ушбу мавзу юзасидан фикр юритиб, шундай хулосага келади: “...Чўлпоннинг “Юрт йўли”, “Ишқ йўли”, “Меним йўлларимда”, “Уч-тўртта юлдуз”, “Созим” каби қатор шеърларида ҳам йўл мотиви ҳозир. Уларнинг барини умумлаштирувчи жиҳат шуки, йўлга чиққан йўлчи – лирик қаҳрамоннинг аниқ манзили бор: у ёрни истаб, ё ёруғ бир юлдузни кўзлаб йўлга чиққан; ёрга етиш умиди кесилганда ёки юлдуз хира тортганда йўлчи ўртанади ва аксинча. Айтиш мумкинки, Чўлпон шеъриятида “йўл” образи мақсад – миллий озодлик ва тараққий йўлларидаги кураш рамзи сифатида талқин этилади...”.

Шоирнинг лирик қаҳрамони бутун умри давомида ўзига йўл излади. Унинг кўнглида ҳамиша йўл юриш истаги қайнаб тошган. Абдурахмон Муфтизода руҳига бағишлаб ёзган “Улуғ йўловчига” шеъридаги “Бироқ қайтмоқ йўқдир тушган йўлингдан”, “Меним йўлларимда” шеъридаги “Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар” каби мисраларидан билиш мумкинки, ҳақсизлик ҳукмронлик қилаётган ижтимоий тузумдан моҳият излаётган, “ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси” дея хайқираётган исёнкор қалбнинг кечинмалари ифодаланган.

Д. Қурононовнинг Чўлпоннинг лирик қаҳрамони “ё ёрни истаб, ё ёруғ бир юлдузни истаб йўлга чиққан” гапида жон бор. Шоирнинг машҳур “Қаландар ишқи”даги “Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни” мисрасида ҳам

истиқлол ишқи билан ёнаётган ошиқ изтироблари акс этган. Бундан ташқари, шоирнинг икки тахаллуси ҳам йўл, йўлчи, йўловчи тушунчалари билан боғлиқдир.

Чўлпон поэтик оламини тадқиқ этишда инсон ва муҳит билан боғлиқ тушунчалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чўлпоннинг мавжуд муҳитга муносабати, айниқса, шоирнинг “Сомон парча” шеърида ёрқин ифодаланган. Шеър “Топширдим ўзимни муҳит эркига” деб бошланади. Шоир ўзини “сомон парча”га қиёс қилади. Муҳит эркига бўйсуниб, ҳар амал, ҳар ишни ҳақ деб билиш зарур эканлигини англаб этади.

*Муҳит кучлик экан, эгдим бўйнимни,
Чақмоқдек ялтираб учиб йўқ энди.
Ёлгон хаёлларга кўчиб йўқ энди,
Оқининг йўлига солдим ўзимни...*

Чўлпон “оқим”га қарши сузиб бўлмасликни, ёлгон хаёлларга кўчиб бўлмасликни чуқур ҳис этди. Энди унинг кўнглида на исён, на тўлқин, на ўт бор, кўзларида оғир бир таслим нури бор.

Чўлпоннинг илк мунқидларидан, Ўзбек ёш шоирлари. Чўлпон. (Қизил Ўзбекистон. 1927 йил, 14 февраль) мақоласининг муаллифи Айн (Олим Шарафиддинов) “Сомон парча” шеърига муносабат билдириб шундай ёзади: Чўлпоннинг “Сомон парча” шеърини ўқиб ҳовлиқишиб, Чўлпон – Муҳитнинг гирдобиди “сомон парчасидек” оқиб бораман, муҳитнинг эркига таслим бўлдим, – дейдир деб уни “большевик”ка чиқарган, ҳатто бизга тилакдош деб кўрсатганлар бор эди. Шундай дегувчилар унинг:

*Мен энди худди бир сомон парчаси...
Лекин зўр денгизнинг чексиз қўйнида.
Жимгина борадир кирсиз қўйнимда,
Эркин кўприкларнинг аллақанчаси! –*

деган шу тўрт сатри билан жавоб бериш мумкин. У “Муҳитнинг эркига тобе бўлдим” деса-да, яна “эркин кўприкларнинг аллақанчаси жимгина қўйнимда борадур” дейишдан тоймайдир”. Чўлпон омонатга қурилган мавжуд тузумни кўприкларга ўхшатгани ҳақиқат. Чунки у эрк истаб кирган жойидан тутқунлик топди. Лекин муҳит билан, замон билан муроса қилмаса бўлмас эди. Миллат зиёлиларининг боши узра ялтиллаб ўйнаётган қилич эрта-индин ўз бошига тушишини билар эди.

Муҳит ва инсон муносабатлари Чўлпоннинг “Яна кўклам» шеърида ҳам ёрқин ифодаланган. Шоир кечанинг сирли қўйнида беркиниб олиб, кечага тотли бўсалар бериб, дунёга бир келин каби чиққан баҳорнинг “сил кўнгиллар” га малҳам бахш этувчи кудратини таърифлайди. Чечакларда, сўнги нур ўйнаган теракларда ўйғониш онларини кўради. Ушбу шеърда энг характерли образлардан

бири – “куруқ бир шох” тимсоли бор. Шоир бу образ воситасида уйғониш завқини тотмаган, карахт ҳолатдаги инсон, янада аниқроқ айтсак, мустамлака асоратидаги миллат фожиасини тасвирлаб берди.

Инсон ва муҳит муносабатларини Чўлпоннинг “Бинафша” шеъри мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Бинафша – эркин кулмасдан очилган, ҳидлари сочилмай ерларга эгилган, чўзилган гул. Уни хоҳласалар “узарлар, ҳидларлар, янчарлар”... Нега? У ҳам табиатнинг эрка фарзанди сифатида ял-ял ёниб очилиши, эркин кулиши, ҳидларини оламга сочиши мумкин эди-ку? Шоир хаёлан бинафша билан сўзлашади. Изтиробдан кўнгли ҳасратга тўлган бинафша чексиз сўроқлар қаршисида кўз ёшлар тикади. Чунки бу муҳитда шоирга бинафшадан яқин ҳамдари йўқ. Моҳиятан шоир ва бинафша – бир жисм – лирик қаҳрамон. Шу боисдан, бинафша шоирнинг юрагида, кўкрагида яшайди.

*Бинафша, йиғлама, бинафша кел, бери,
Қайғунгни қайғумга қўшгил.
Бинафша сен учун кўкрагим эрк ери,
Бу ердан кўкларга учгил...*

Бинафша – нафақат ёвларнинг заҳарли ўқи кўксига қолган руҳнинг мунгли муножотларини ифодаловчи образ, шунинг билан бирга она-табиатнинг бир бўлаги, тириклик белгиси, ҳамиша эзгуликка чорловчи поэтик тимсолдир.

Умуман олганда, Чўлпон ижодидаги йўл, йўловчи, сомон парча, бинафша, кўклам образлари шоир поэтик дунёсини теранроқ англашдаги муҳим тимсоллардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998.
2. Қуронов Дилмурод. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида). Доктор.дисс. –Т., 1998., 120 б.
3. Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. –Т., Шарқ: 2004.
4. Чўлпон. Адабиёт надир. –Т., Чўлпон., 1994.
5. Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. I жилд. –Т., 1994.